Ушбу сонда:
2 ЖОҲИЛЛИК фожеани етаклаб келди
3 2001 йил — Оналар ва болалар йили ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ШАЙМИЗ
4 Касаба уюшма спорти ОММАВИЙЛИККА ЭРИШИЛДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 15 май, сешанба №74 (1088)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Олий Мажлис сессиясидан кейинги ўйлар

Нима сабабдан Сирдарё ёки Жиззах вилоятларининг айрим туманлари аҳолиси ҳамон Тошкентдан бозор-ўчар қилмоқда. Бокимандалик кайфиятидан қачон халос бўлинади, ўзларини-ўзлари керакли неъматлар билан тўла таъминлашга эришиш учун мутасаддиларга нималар ҳалақит бераётир?

Давлатимиз раҳбарининг сессияда таъкидлаган юқоридаги каби фикрлари барчани ўйга толдирди. Чинданам, мустақилликка эришганимизга 10 йил бўлаётган, истиқлол, ислоҳотлар кенг имкониятлар эшигини очаётган бир шароитда давлат дотацияси ҳисобига яшаётганлар вазиятдан чиқишга қаратилган тадбирларни суст амалга ошираётганликларининг боиси нимада?

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Тошкентда 12 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессияси давом этди.

Парламент ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Тўхташев «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳаси муҳокамасида Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Бандихон тумани ҳокими Ў.Чўтбоев, Андижон вилояти «Мева-сабзавот» ҳудудий бирлашмаси раиси А.Қаюмов, Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет ректори Т.Долимов қатнашди.

Ушбу масалани кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов республикада ҳақиқий мустақил суд ҳокимияти яратилгани, суд органлари нуфузини ва масъулиятини оширишга йўналтирилган чоралар қабул қилинганини алоҳида таъкидлади. Мамлакатнинг суд тизими қонунчиликка қатъий риоя қилинишини, содир қилинган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаши лозим. Жиноий жазолар тайинлашни эркинлаштириш борасида иш олиб борилаётган ҳозирги шароитда жамият учун хавфли бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг озодликдан маҳрум этилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Аввало, уни етказилган моддий зарарни қоплашга мажбур қилиш, қайта тарбиялашга интилиш керак. Бу ўринда давлатимиз раҳбари қонун лойиҳасига ҳуқуқбузарлардан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган моддий зарарни тўлиқ ундириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлган мол-мулкни ундириш ҳақида мурожаат қилиш имконини берувчи қўшимча модда киритилиши тўғрисидаги таклифни айтди.

Депутатлар биринчи ўқишда қонун лойиҳасини маъқуллади ҳамда уни оммавий ахборот воситалари орқали умумхалқ муҳокамасига ҳавола этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси И.Кочмарик «Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди. Бу масала юзасидан «Фонон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М.Ашуров ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қонун лойиҳаси муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам қатнашди. Давлатимиз раҳбари ушбу қонун лойиҳасининг фавқулодда муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб, мамлакатимизнинг ўзида ахборот-техник воситалар ишлаб чиқаришни ва дастурий таъминотни ривожлантириш, халқ хўжалигига замонавий технологияларни жорий этиш зарурлигига эътиборни қаратди. Президент компьютер техникаси, интернет тармоғи салоҳиятидан иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, мамлакатимиз мактаблари ва олий ўқув юртларида кенгроқ фойдаланиш зарурлигини қайд этди. Замон билан баравар қадам ташлаш, бу соҳада ривожланган мамлакатлар даражасига етишга интилиш зарур. Нафақат табиий заҳиралар, балки ақлий салоҳият ҳам катта бойлигимиздир. Шу туфайли биз илғор илмий технологияларни ривожлантиришимиз ва бу соҳада ўз мутахассисларимизни етиштиришга алоҳида эътибор беришимиз лозим.

Депутатлар мазкур қонунни қабул қилди.

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафаеванинг маърузаси юзасидан депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритди.

Парламент Ўзбекистон Республикасининг тоғ ва металлургия саноати ходимлари кунини белгилаш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу масала юзасидан фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Н.Жўраев, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори А.Фармонов, «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Н.Кучерский, Ангрен шаҳри ҳокими И.Асадов сўзга чиқишди.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси М.Умаралиев лицензия талаб этиладиган фаолият турлари рўйхати ҳақида маъруза қилди. Мазкур масала муҳокамасида «Ўзтадбиркорбанк» акционерлик тижорат банки бошқарувининг раиси С.Қамбаров, «Хоразм шакар» давлат корхонаси директори Қ.Хўжамуродов қатнашди. Парламент номи зикр этилган рўйхатни тасдиқлади.

Парламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари, Олий Мажлис Кенгаши қарорлари, қатор давлатлараро ва халқаро ҳужжатларни тасдиқлади.

Депутатлар котибият раҳбари Т.Норқуловнинг парламентга келиб тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Н.Исмоилов Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг қонунчилик ва суд органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳининг раҳбари этиб тайинланиши муносабати билан парламент уни Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси лавозимидан озод этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У.Мингбоевнинг ваколат муддати тугаганлиги туфайли Олий Мажлис уни бу лавозимга қайта сайлади. Депутатлар Олий суд таркибига айрим ўзгартиришлар киритди. Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов таклифига кўра, парламент Олий хўжалик суди судясини сайлади.

Депутатлар Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 2000 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова парламентга ўтган йилги фаолияти ҳақида ҳисобот берди. Марғилон шаҳри ҳокими А. Акромов ва Халқ демократик партиясининг Қашқадарё вилояти кенгашининг биринчи котиби Ф.Омонов чиқишидан сўнг, парламент ҳисоботни тасдиқлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси якунланди.

БОҚИМАНДАЛИК — ТАРАҚҚИЁТГА ТЎҒАНОҚ

Танаффус пайтида сессия залларида депутатлар билан бўлиб ўтган жонли мулоқот, Президентимизнинг журналистлар саволларига жавобларидан ойдинлашдики, катта юкни, масъулиятни зиммасига олган айрим етакчилар бозор шароитида фаолият юритишга ўзларини тайёрлай олмаганликлари, иқтисодиётни юксалтириш, зарур харажатларнинг манбалари нималардан иборат эканлиги хусусида лўнда тасаввурга эга эмасликлари ва энг ёмони улар боқимандалик кайфиятидан ҳанузгача тўла халос бўла олмаганлари кўп соҳада ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Пировард-натижада ислоҳотлар суст амалга ошмоқда. Масалан, Сирдарёнинг Оқолтин тумани аҳолиси «Тошкентдан ўргилай, ҳамиша тўкинсочинлик», дея пойтахт бозорлари-ю дўконларига кўз тикиб қолганлигининг сабаби — бу ерда қишлоқларни ободонлаштириш, маданий-маиший, савдо хизматини йўлга қўйиш талаб даражасида эмас. Ўн йилдирки, марказий қўрғондаги аҳвол деярли ўзгармади. То ҳануз туман ўзини-ўзи керакли неъматлар билан таъминлай олмаётир.

Бозор шароитида ишлаш осонмас. Раҳбару мутахассислар кунига қатор муаммоларни ҳал қилишларига тўғри келмоқда. Шу боис, бугун кўпга бош бўлганлар омилкор, билимдон, қатъиятли, изланувчан, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган кишилар бўлмоғи керак. Қарши туманидаги «Манғит» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ж.Файзиев давр ўртага қўяётган талабларни олдиндан кўра билди. Иқтисодиётни юксалтиришнинг ички омилларидан унумли фойдаланди. Ташаббус кўрсатиб, Исроил технологияси асосида 500 қорамолга мўлжалланган мажмуа бунёд этди. Боз устига, Германиядан 161 бош зотли моллар олиб келинди. Иш жараёни тўла механизациялашди. Ишловчилар учун қулай шароитлар яратилди, моддий манфаатдорлик таъминланди. Иштиёқ, мақсад сари дадил интилиш туфайли бугунга келиб зотли моллар сони 581 тага етди. Энди «Манғит» фидойилари Қашқадарёдаги кўпгина хўжаликларга маҳсулдор моллар етказиб бермоқда. Табиийки, даромад сезиларли даражада кўпайди. Ўтган йили соф фойданинг ўзи 14 миллион сўмни ташкил этди. Эътиборлиси шуки, хўжалик раҳбару мутахассислари Олий Мажлис сессиясида таъкидланган сарф-харажат манбаларини яхши тасаввур этадилар. Шу боис, ўз маҳсулотларини ўзлари қайта ишлашга киришдилар. Яқинда бир кеча-кундузда 3 тоннадан 5 тоннагача маҳсулотни қайта ишлайдиган кичик корхона қуриб, фойдаланишга топширилди. Бунинг шарофати билан истеъмолчиларга 5 турдаги сут ва сут маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Раҳбар иш манфаати юзасидан баъзида таваккал қилишдан чўчимаса, қўл остидагиларга меҳрибон, уларнинг яхши-ёмон кунида камарбаста бўлса, кўпни ортидан эргаштира олади. Маълум сабабларга кўра Мўйноқ балиқ консерва комбинатида иш орқага кетди. Ишловчилар мажбурий таътилга чиқарилди. Қарангки, комбинатнинг иш ҳақидан қарзи қарийб 14 миллион сўмни ташкил этди. Тадбиркор кишилар кимнингдир ёрдамига кўз тикиб ўтирмай, Украинадаги корхоналар билан ўзаро манфаатли шартномани имзоладилар. Шу йили маҳсулот идишларини ясашга мўлжалланган тунука келтирилди. Харидоргир неъмат ишлаб чиқариш изчил йўлга қўйилди. Иш уч сменада ташкил этилди. Ана энди бу ерда эришилаётган натижаларга ҳамма ҳавас қиляпти.

— Ислоҳот дегани — чиройли сўзлаш, гап сотиш эмас, ростмана ишлаш, мақсад сари дадил интилиш, қийинчиликларни мардона енга билишдир, - дея таъкидлашади сўзида устувор, ҳиммати баланд кишилар.

Таҳририятимизга келаётган хатлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим ерларда тадбиркор бўламан, истеъмол бозорини, дўконларимизни тўкин-сочин этишга ҳисса қўшаман, дея ғайрат камарини боғлаган кишилар йўлига тўсиқ қўйилмоқда. Гулистон туманидаги «Холиқбой ота» хусусий чорвачилик фермасига қарашли 20 гектарлик бедапоя шудгорлаб ташланганлиги, қўшкўпирлик Ш.Раҳимова қўлида туман ҳокимининг «Уста Қурбонбой» деҳқон-фермер хўжалигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарори бўла туриб, узоқ вақтдан буён орзусига эришолмай келаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Сабоқлардан хулоса чиқарган ҳолда шундай тўхтамга келиш мумкин: барча ерда, ҳар жабҳада қонун устуворлигига, адолат тантанасига эришилмас экан мақсадга эришиш мушкул.

Замон олдимизга ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар бир фуқаро оддий кузатувчи ва истеъмолчи бўлиб қолмасдан, жамиятда рўй бераётган ислоҳот ва демократик ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айланиши даркор.

М.ҚАЮМОВ.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Фарғона шаҳрида мукофот фонди йигирма беш минг АҚШ долларига тенг бўлган теннис бўйича халқаро Челенжер турнири ниҳоясига етди.

Бир ҳафта давом этган баҳслар ғоят қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлди. Соҳа мутахассислари спортчиларнинг ғолибликка интилишини кўп ҳолларда кутилмаган натижалар қайд этилишининг асосий сабаби сифатида эътироф этмоқда.

Жуфтлик баҳсларидаги беллашувларда ҳамюртларимиз Вадим Куценко ва Олег Огородовдан устун келган канадалик Саймон Ларос ва австралиялик Майкл Теббутт имкониятлари анча юқори бўлишига қарамай, финал баҳсида жанубий африкалик теннис устаси Рик Ди Войст ва россиялик Игор Куницинга ютқазиб қўйди.

Якка тартибдаги финал баҳсида швейцариялик теннис устаси Иво Хайберг швециялик Фридрик Енсонни енгиб турнир ғолиби бўлди.

(ЎзА).



Бу йил Ангор туманида 6400 гектар ерга ғалла экилган. Ҳадемай ўрим-йиғим ишлари бошланади. Шу боис туман ҳиссадорлик машина трактор паркида мавсумга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Айни пайтда паркда 7 та «Кейс» ва 14 та «Нива» ғалла ўриш комбайнлари мавсумга тахт қилиб қўйилган.

Суратда: пайвандловчи Исмоил Шодиев.

Искандар ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

КРЕДИТ ПУЛЛАРИ

нега бошқа мақсадларга ишлатилмоқда?

Бозор иқтисодиёти шароитида ишсизларнинг пайдо бўлиши табиий ҳол. Чунки тараққий этган мамлакатларда ҳам ишчи ёки ходимни касбий малакаси юқори мезон ва талабларга жавоб берган тақдирдагина ишга олинади. Бошқача айтганда, корхона ёки фирмага иш сўраб келганлар махсус синовдан ўтгандагина жамоа аъзоси бўлиши мумкин. Бундай танлов усули меҳнат бозорида соғлом рақобатни вужудга келтиради. Ишлаб чиқаришда эса самарадорлик, сифатга эришилади.

Бундай пайтда ана шу кишиларни касб-кори, лаёқатига қараб ишга жойлаштириш, ижтимоий ҳимоя қилиш масаласи кўндаланг бўлади. Ана шу иш билан шуғулланиш вазифаси республикамизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг бош бошқарма ҳамда бўлимлари зиммасига юкланган. Шундай экан, бугунги кунда жойларда бу борадаги юмушлар қай даражада ташкил қилинган? У ҳозирги замон талабларига жавоб берадими? Хоразм вилоятида хизмат сафарида бўлганимизда, ана шу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

—Яқинда идораларимиз томонидан вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш Бош бошқармаси, банк муассасаларининг Ўзбекистон Республикасининг Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонуни талабларига риоя қилиши масаласи ўрганилди, - дейди Хоразм вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Дилшод Исроилов. - Аниқланишича, Бош бошқарма ўтган ва жорий йилнинг биринчи чорагида бу борада бир қатор ишларни амалга оширган. Хусусан, ўтган давр мобайнида вилоятдаги 44 минг нафар ишсиз меҳнат бўлимларида ҳисобга олиниб, шундан 6628 нафарига ишсизлик мақоми берилган. Жорий йилда қайта ўқитишга 2 миллион сўм, ишсизлик нафақасига 12,1 миллион сўм, пенсия тўловига 19,5 миллион сўм, моддий ёрдамга 2,4 миллион сўм сарфланиши мўлжалланган ва ҳоказо.

Сарф қилинадиган харажатлар ўтган йилга нисбатан ошгандай кўринса-да, бу борадаги ҳақиқий аҳвол эскилигича қолмоқда. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида бу масала ўрганилганида ҳақиқатда 53 минг 700 нафар киши ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинмаганлиги аниқланди. Бошқача айтганда, 9700 нафар ишсиз меҳнат бўлимларида асоссиз рўйхатга олинмаган. Иш билан банд бўлмаган аҳолининг атиги 12,3 фоизига ишсизлик мақоми берилиб, нафақалар тўланмоқда. Қолган 87,7 фоиз ишсизлар бўлимлар томонидан ҳеч қандай ижтимоий ҳимоя қилинмаган.

Жорий йилнинг 1 апрел ҳолатига Бош бошқарма жамғармаси маблағи ҳисобига янги 1430 та ишчи ўринларини очиш режалаштирилганди. Шу мақсадда банклар орқали 83 та хўжалик юритувчи субъектларга 248 миллион 130 минг сўм имтиёзли кредитлар берилди. Бироқ, Бош бошқарма ва банк раҳбарларининг ўз ишига лоқайдларча муносабатда бўлишлари натижасида шу кунга қадар атиги 305 та ишчи ўринлари очилди. Сабаби, кўпчилик ҳолларда олинган кредит маблағлари бошқа мақсадларга ишлатилиб юборилди. Мисол учун Урганч шаҳрида жойлашган «Хоразм-Подолск» масъулияти чекланган жамияти 1999 йил август ойида «Тадбиркорбанк»нинг вилоят бўлимидан 3 йил муддатга 4 миллион сўм имтиёзли кредит олган. Фирма ана шу қарз ҳисобига 36 та янги иш ўринларини очиши керак эди. Аммо унинг раҳбари М.Курязов бундай қилмади. У ушбу маблағ ҳисобига Урганч шаҳридаги «Қомус», «Озод диёр» корхоналари ва якка тадбиркор Б.Қутлимуротовдан 16 дона тикув машинаси, «Бухоротекст» ҳиссадорлик жамиятидан хом ашё сотиб олди. Ҳеч қандай ишлаб чиқаришни ташкил қилмасдан, тикув машиналари ва хом ашёни Нукус шаҳридаги «Аксингул» хусусий фирмасига сотиб юборди. Шу банк бўлими томонидан кредит маблағи олган «Афсона», «Фазо» каби бир қатор фирмаларда ҳам ана шундай ҳолат аниқланди. Лекин банк раҳбарлари ва ходимлари буни кўра-била туриб, ушбу ҳолатга панжа орасидан қараб келишди. Бундай мисолларни «Савдогарбанк», «Заминбанк», «Уйжойжамғармабанк», «Ғаллабанк» иш фаолиятларида ҳам кўплаб учратиш мумкин.

Қонун барча учун баробар

Қизиғи шундаки, Бош бошқарманинг собиқ раиси Э.Раҳмонов кредит маблағларини хусусий корхона ва фирмалар томонидан ноқонуний ўзлаштирилишига шароит яратиб берган. Масалан, у 1999 йили Хива туман нотариуси Ш.Машарипов номига 489-чиқим хати билан Хива банкдан олган ва қайтариш муддати ўтиб кетган 1 миллион 500 минг сўм кредит пулини шахсий пулидан тўлаганлиги боис, гаровга қўйилган цехга солинган тақиқни бекор қилишни сўраб, қалбаки сўровнома юборган. Натижада ушбу тақиқ бекор қилиниб, ашё фирма раҳбари томонидан сотиб юборилган. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши очилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Айрим туман меҳнат бўлими инспекторлари томонидан ўз ишини сунъий равишда яхши қилиб кўрсатиш мақсадида ҳужжатларни қалбакилаштириш жиноятлари ҳам содир этилмоқда. Жумладан, Янгибозор туман меҳнат бўлими инспекторлари А.Абдуллаев, У.Авезов ва Р.Бозоровлар мурожаат қилмаган шахслар номидан ўзлари ариза ёзиб, имзо қўйиб, ҳужжатларни қалбакилаштирганликлари маълум бўлди. Уларга нисбатан ҳам жиноий иш қўзғатилган.

Умуман олганда, прокуратура идоралари томонидан бу борада 6 та жиноят ишлари қўзғатилиб, иш ўринларини очиш мақсадида берилган ва муддати ўтган 2 миллион 686 минг сўм ундирилди. Шунга қарамасдан, ҳозирда Меҳнат Бош бошқармасининг муддати ўтган кредитлардан 11 миллион 106,7 минг сўм қарздорлиги мавжуд.

Ғулом ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ИШЛОВЧИ АЁЛЛАРГА

қўшимча имтиёзлар

Ўзбекистон Савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Федерация Кенгашининг «Оналар ва болалар йили бўйича 2001 йил тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиққан ҳолда ўз дастурини ишлаб чиққан. Унга мувофиқ тармоққа тегишли корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларига ходимларнинг, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини кучайтирувчи қатор бандлар киритишга муваффақ бўлинди.

Соҳада меҳнат қилаётган аёлларнинг иш вақтини бир соатга қисқартириш, меҳнат таътилини 3 кунга узайтириш, ҳафталик иш вақтини 40 соатдан ошмаган ҳолда белгилаш, қишки мавсумда ёш болали аёлларнинг иш вақтини қисқартириш кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, 4 ёшга тўлмаган 2 ёки ундан кўп фарзанд тарбиялаётган аёллар учун 3 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили бериш ҳам йўлга қўйилган.

Мактаб ёшидаги фарзандларини ёлғиз тарбиялаётган оналарнинг болаларига соғломлаштириш оромгоҳларига бепул йўлланмалар ажратиш билан бирга ўқув қуроллари сотиб олишлари учун моддий ёрдам, 14 ёшгача фарзанди бўлган аёлларга йилнинг исталган вақтида меҳнат таътили бериш ҳам жамоа шартномаларида ўз ифодасини топди. Мамнуният билан айтиш лозимки, имтиёз ва қулайликлар амалда қўлланилмоқда. Хусусан, меҳнаткашлар касаба уюшмалари ва ташкилотлар маблағлари ҳисобидан санаторийларга бепул йўлланмалар билан таъминланмоқда.

— Ишловчи оналар учун бериладиган туғишгача ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллар кунини узайтириш, мактаб ёшигача фарзандлари бор кўп болали аёлларга тўлиқ маоши сақланган ҳолда иш вақтини қисқартириш, оналарга корхона, ташкилот ва муассасалар ҳисобидан фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар моддий ёрдам кўрсатиш ҳам жамоа шартномаларида кўзда тутилган, — дейди Марказий қўмита раиси М. Ҳошимова. — Бундан ташқари, корхоналарда аёллар гигиенаси хонасини ташкил этиш ва жиҳозлаш, кўп болали, боқувчисини йўқотган оналар фарзандларини мактаб ошхоналарида бепул ёки имтиёзли равишда овқатлантиришни ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

Марказий қўмита корхона, ташкилот ва муассасалардаги ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилалар рўйхатини тузиб, моддий ёрдам кўрсатишни йўлга қўйган. Нодавлат секторида меҳнат қилаётган 18 ёшгача бўлган касаба уюшма аъзоларини аниқлаш, уларга меҳнат қонунчилигида белгиланган тартибда ҳақ тўлаш, меҳнат таътиллари бериш, иш вақтидан ташқари ишларга жалб этишни тақиқлаш тўғрисидаги талабларнинг иш берувчилар томонидан бажарилишини ўрганиб чиқиш ҳам диққат марказда. Шунингдек, хотин-қизлар, ёшлар учун хавфсиз иш шароитлари яратиш бўйича тадбирларни назорат қилишда иштирок этмоқдалар.

Ёшларни ҳар томонлама баркамол инсонлар бўлиб вояга етишларини таъминлаш мақсадида тармоқдаги «Хумсон», «Матлуботчи», «Иссиқбулоқ» санаторийларида, «Наврўз» дам олиш уйида турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари уюштириб келинмоқда. Айниқса, спорт-соғломлаштириш тадбирлари, спартакиада ва мусобақалар соҳа ходимлари ўртасида оммавий спортни ривожлантиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Куни кеча Марказий қўмита яна бир хайрли ишга қўл урди. Оналар ва болалар йилига бағишлаб пойтахтимиздаги «Боғи эрам» маданият ва истироҳат боғида соҳа меҳнаткашлари фарзандларининг мазмунли ҳордиқларини таъминлаш мақсадида ажойиб тадбир уюштирилди. Шу муносабат билан Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти тармоқ ходимларининг 4000 нафар фарзандига боғдаги аттракционларга бепул таклифномалар тарқатилди. Шу куни болажонлар сўлим боғ қўйнида қувнаб, яйрадилар.

М. ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Оролбўйидаги энергетиклар шаҳри - Тахиатошда мамлакат мустақиллигининг 10 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Байрам шарафига кўплаб иншоотлар қуриляпти. Шулардан бири - шаҳар марказида Она ҳайкалининг очилиши бўлди. Маҳаллий ҳайкалтарош Ж.Тўлаганов яратган улуғвор ҳайкалда олисларга умид кўзини тикиб турган Онанинг меҳрибон ва мушфиқ сиймоси акс этган.

Шунингдек, шаҳарда 600 ўринли коллеж, 500 ўринли теннис корти, ёпиқ турдаги сузиш бассейни, 2 та кўп қаватли тураржой бинолари бунёд этилмоқда. «Тахиатошгидроэнергоқурилиш» бирлашмаси бунёдкорлари иншоотларни қутлуғ байрам кунигача фойдаланишга топширишни режалаштирган.

Бу йил Балиқчи туманидаги Хайрихон Эргашева номидаги ширкат хўжалиги деҳқонлари пахтанинг «Оққўрғон», «Омад», «Меҳр», «Навбаҳор», «С-6770» каби навларини плёнка остида экишган. Ҳозир мавжуд 466 гектар ғўза парвариши жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Суратда: Ижарачи Турдиали Ёқубжонов.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Мустақиллик иншоотлари

ЯНГИ КОЛЛЕЖ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилянти.

Бу хайрли иш бугунги кунда Фарғонада ҳам қизғин давом эттирилмоқда. Марғилон шаҳридаги педагогика билим юртини педагогика коллежига айлантиришга киришилди. Ана шу мақсадда вилоят мукаммал қурилиш бош бошқармаси ўндан ортиқ тегишли ташкилотлар ва фирмалар ўртасида тендер танлови ўтказди. Феврал ойида амалга оширилган бу танловда шаҳардаги Равшанбек Ҳакимов бошчилик қилаётган 15-қурилиш тресті ҳиссадорлик жамияти жамоаси ғолиб чиқди. Жамоа қурилиш механизмлари ҳамда ишчи кучи етарли ва тайёр эканлигини билдириб, объектни лойиҳа қимматига нисбатан 164 миллион сўм арзон битказиш таклифини ўртага ташлади .

Тендерда ютиб чиқиш биланоқ жамоа аъзолари объектда ишни қизғин бошлаб юборди. Лойиҳа бўйича педагогика коллежи қурилиши таркибига бир-бирига боғлиқ бўлган 5 та объект киради.

Бугунги кунда уларда иш қизғин бормоқда. Ҳаммаси бўлиб 300 нафардан зиёд бунёдкор меҳнат қилмоқда,

Вилоят ҳокимлиги назоратида бўлган мазкур қурилиш объектини белгиланган муддат — 25 августда фойдаланишга топшириш учун барча қурувчилар астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Биз 15-қурилиш тресті ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Н.Алижонов билан ишларни кўздан кечирдик.

— Бош ўқув корпусида, — дейди Н.Алижонов, — бир ишни битказиб, кейин бошқа ишни бажарамиз, деб кутиб турилмайди. Эркин, кенг кўламли фаолият меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иш суръатига тўғридан-тўғри таъсир қилмоқда.

Биринчи ётоқхона қурилиш объектида Авазбек Ғаниев раҳбарлигидаги 7-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари бош пудратчи ҳисобланади. Уларга 3,5-кўчма механизациялашган колонналар, «Семурғ» жамоа корхонаси қурувчилари ёрдамчи пудратчи сифатида кўмаклашмоқдалар.

Педагогика коллежи объекти таркибида бутунлай янгидан 200 ўринли, лойиҳа қиммати 100 миллион сўмдан ортиқ бўлган ошхона биноси ҳам қуриб фойдаланишга топширилиши лозим.

Бу объектдан ташқари шаҳардаги истироҳат боғи ва «Атласчи» ўйингоҳи ҳудудида коллежнинг спорт комплекси биноси қад ростлайди. Лойиҳа қиммати 200 миллион сўмликдан зиёд бўлган бу иншоотда 5-кўчма механизациялашган колонна қурувчилари ишлашмоқда. Объектни йилнинг тўртинчи чорагида топшириш мўлжалланяпти. Айни кунларда бу ерда тупроқ ишлари ниҳоясига етиб, тагзамин блокларини пайвандлашга киришилди.

Мазкур қурилиш вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг доимий назоратида турибди. Улар ишларнинг бориши билан мунтазам қизиқиб зарур ёрдамларини аямаяптилар.

Қурилиш бош бошқармаси объектларга зарур бўлган маблағ, хомашё ва бошқа ресурсларнинг жадвал асосида етказиб берилишини таъминлашга интиляпти.

Коллеж қурилишида иш ана шундай қизғин бормоқда. Қурилиш суръати, кўлами кундан-кунга кенгаяётир. Қурувчилар Ватанимиз мустақиллигининг 10 йиллигини муносиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун тиним билмай ишлаяптилар. Уларнинг шижоати бунёдкор сўзи ва иши бир эканлигидан дарак бериб турибди.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ҚОВЧИННИНГ ОЧИЛ ДАСТУРХОНИ

Деҳқон ҳалол меҳнати ва етиштирган маҳсулоти учун тўланадиган ҳақни вақтида олса, моддий ва ижтимоий аҳволи яхшиланиб, якуний натижага, демакки, ишга қизиқиши ортади.

Қарши туманидаги Яхши Омонов номли кооператив ширкат хўжалиги аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, рағбатлантириш яхши йўлга қўйилган.

— Ўтган йилги жами даромад 625 миллион 813 минг сўмни ташкил этди, - дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Тўйчи Ражабов. - Шундан 8 миллион 874 минг сўми пайчиларга дивидент сифатида тарқатилди.

Хўжаликда 1906 нафар пайчи бўлиб, улар 4 та кичик ширкат ва 1 та чорвачилик фермасида меҳнат қилмоқда. 205 та оилавий пудратчининг бари бултур шартнома режаларини ошириб бажарди. Шунга яраша олаётган даромадлари ҳам баракали бўлмоқда. Масалан, Парда Норов бошлиқ оилавий пудратчилар йил якуни бўйича 680 минг сўм қўшимча ҳақ олдилар. Тожи Ортиқов етакчи миришкорлар эса туманда энг юқори натижага эришишди. Ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштириб, оила хазинасига қўшимча 1 миллион 237 минг сўм даромад келтиришди.

Чорва ҳақида гап кетса, кўп жойда зиён кўраётганларини айтиб нолишади. Лекин Қовчинда бундай эмас, Мадад Шерматов раҳбарлик қилаётган чорвачилиқ ширкатида ўтган йили 531 тонна сут, 57 тонна гўшт етиштирилди. Режадаги 40 миллион ўрнига 47 миллион сўм даромад олинди. Соф фойда 11 миллион 210 минг сўмдан ошди.

Шуниси эътиборлики, кам даромадли оилаларга мунтазам ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Йилнинг ўтган даврида шундай хонадонларга 6750 килограмм ғалла, 1040 килограмм ўсимлик ёғи тарқатилди ва 174 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, уруш қатнашчилари Қарши Чўпонов, Ражаб Ботиров, Турсун Ражабов, Баҳром Ўринов, Маҳмуд Аҳмедовларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан берилди. 18 нафар касаба уюшма аъзоси эса республикамиз сиҳатгоҳларида дам олиб, даволаниб қайтишди.

Аҳоли яхши турмуш кечириши учун етарли шароит яратилган. Қишлоқда тегирмон, радио ва телевизор тузатиш устахонаси, сартарошхона, суратхона, тиш даволаш поликлиникаси, 2 та бозор, 100 дан ортиқ савдо шохобчаси ишлаб турибди. 4 та болалар боғчаси, кутубхона, Пахтабанк ва Халқ банкининг филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.

Оналар ва болалар йили муносабати билан бир нечта вазирликлар ҳамкорликда ташкил этган «Автокарвон» тарғибот-ташвиқот гуруҳи Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларидан ўтиб, Навоийга етиб келди.

«АВТОКАРВОН» НАВОИЙДА

Шаҳардаги қурилиш касб-ҳунар коллежида ташвиқот гуруҳи аъзолари ёшлар билан учрашди. Суҳбатлар асосида Президентимиз ташаббуси билан Оналар ва болалар йили деб эълон қилинган 2001 йилда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар хусусида сўз юритилди. Зеро, буюк манзилларни кўзлаган юрт аввало фарзандлар камолини, уларнинг бешикаст ўсиб-улғайишини ўйлайди ва бу йўлда ҳар қанча заҳмат чекишга, ғамхўрлик кўрсатишга тайёр туради.

Фарзандларимизни йўлларда рўй бериши мумкин бўлган фалокатлардан асраш, уларга «Йўл ҳаракати қоидалари» бўйича сабоқ бериш борасида Навоий вилоятида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўзининг ижобий самарасини беряпти.

Ташвиқот-тарғибот гуруҳи аъзолари шу куни Бухоро шаҳрига жўнаб кетди. Улар 1 июн - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига қадар республикамизнинг барча вилоятларида ана шундай тадбирлар ўтказади.

(ЎзА).

Қиргули туманида касаба уюшмалари Фарғона вилояти Кенгашининг янги ўқув-соғломлаштириш маркази иш бошлади. Унинг иш режасига асосан Кимё саноати, соғлиқни сақлаш, қурилиш ва қурилиш ашёлари, автомобил, йўл хўжалиги, АСМ, Алоқа, енгил мебел саноати, коммунал маиший хизмат, савдо муассасалари, Давлат муассасалари ҳамда маданият ходимлари касаба уюшма вилоят қўмиталари фаолларининг ўқишлари ташкил этилади. Тингловчилар бу ерда «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш энг муҳим вазифамиз» мавзусида маърузалар тинглашади.

Суратларда: (чапдан) 1.Туман Молия бўлими бошлиғи Анваржон Алиев, ўқув соғломлаштириш маркази услубчиси Эргашали Воҳидов ҳамда Шоҳиста Мамаюнусова. 2.Марказ биносининг умумий кўриниши.

М.ҚОДИРОВ олган суратлар.

Сабоқ

ЖОҲИЛЛИК

фожеани етаклаб келди

Хонага оддийгина кийинган аёл кирди. Унинг ёнида етти-саккиз ёшлардаги сочлари қўнғироқ қизча, қўлида эса бир варақ қоғоз бор эди. Ҳокисор аёл аризасини ўқиб кўраркан, Қўшработ туман ИИБ бошлиғи Ботир Турсунов ўйга толди.

— Эрингиз ишлаб, пул топиб келаман деб уйдан чиқиб кетганича икки ойдан бери қайтмадими? — сўради бошлиқ. Аёл бош ирғаб, тасдиқлади.

— Қариндошлариникида эмасмикан? — яна саволга тутди Б.Турсунов.

— Йўқ, суриштирдик, - деди Ойниса қатъий қилиб (исмлар ўзгартирилган). — Охирги вақтларда «дин»га қаттиқ берилиб кетдилар. Шундан хавотирдаман.

Аёлнинг гап оҳангида қандайдир безовталик, бесаранжомлик бор эди. Бу ИИБ бошлиғининг эътиборидан четда қолмади. Хуллас, бедарак йўқолган Ғ.Жалоловга нисбатан қидирув эълон қилинди. Лекин масаланинг тагига етиш осон бўлгани йўқ. Қилни қирқ ёрадиган изқуварлар роса бир йил деганда воқеа тафсилотларини аниқлашди.

... Ғофурнинг бадфеъл, баджаҳллигини бутун қишлоқ биларди. Шу жумладан хотини Ойниса ҳам. Оиладаги оддийгина мунозара ҳам деярли ҳамиша жанжал билан тугарди. Шунда Ғофурнинг жиззакилиги тутиб, хотинини, сўнгра болаларини дўппослашга тушарди. Қариндошлар, қишлоқ аҳли уларнинг ўртасига тушиб кўришди. Бироқ фойдаси бўлмади. Рўзғордаги бу машмашаларга охири ҳамма кўникиб қолди ҳам. Ахир, йигирма йилдан бери аҳвол шу: дока рўмол ҳеч қуримади...

Ўша куни Ғофур бозорда ул-бул сотиб, уйига қайтди. Ҳамма пулни санаб, белбоққа тугди. Хотинига овқат келтиришни қўрслик билан буюрди.

— Отаси, қизчаларимизга мактаб учун нарса олишимиз керак эди, - деди Ойниса илтижоли оҳангда, - ўғилларингизнинг ҳам бўйи етиб қолди. Энди сарпо йиғаверсам дегандим...

— Пулдан оғиз очма! — Ғофурнинг бу дағдағасидан Ойнисанинг гапи бўғзида қолди. Нарёғига эри ҳақоратларни қалаштириб ташлади, хотининнинг бошига мушт туширди. Бу пайтда болалар қўшни хонага беркиниб олишган, катта фарзанд Алишер эса бошини чангаллаганча пичирлаб, нималарнидир илтижо қиларди. Ҳартугул Ғофур бу сафар болаларга тегмади. Сўкинасўкина ухлаб қолди.

Ойниса эса аламу хўрликдан олов бўлиб ёнарди. Нима қилаётганини, нима деяётганини фаҳмламасди. Алишерга «отангни ўлдираман» дедими ёки «отангни ўлдир» дедими, эслай олмайди. Ташқарига чиқиб кетган Алишер бироздан сўнг қўлида болта билан кириб келди. Болта қон эди! Алишер уни бир четга улоқтириб, «Мен отамни ўлдирдим» - деди ва ўзини онасининг қучоғига ташлаб, ҳўнграб юборди. Кичкинагина Гуласал эса «Худога шукий, энди бизни ҳеч ким уймайди» деб, чучук тиллари билан бидирлади. Шундагина нима бўлганига аёлнинг ақли етди...

Она-бола маслаҳатлашдилар-да, мурдани эски ахлатхонага ташлаб, кўмиб юбордилар. Фожеа ана шу йўсинда содир бўлди. Ишонгинг келмайди кишининг, лекин бу - ҳақиқат!

Яна бир ўғил Асқар чўпон эди. У тоғдан қайтганида воқеани Ойнисанинг ўзи айтиб берди. Одамларга оталари Ғофур Жалолов ишлаб пул топиш учун узоққа кетган деб айтишга келишиб олдилар. Аммо у қачонлардир қайтиши, ҳеч бўлмаса ундан ҳабар келиши керак-ку? Шундагина Ойниса ёлғон ариза кўтариб, туман ИИБга борди...

Қонун нуқтаи назаридан айбдорларга тегишли жазо тайинланди. Аммо масалага мантиқан, инсонийлик нуқтаи назаридан ёндошганда бу жиноятнинг келиб чиқишига энг аввало Ғофурнинг ўзи сабабчи эмасми? Унинг жоҳиллиги оиласини жаҳолат ботқоғи томон етаклаб келмадими? Йўқ, қотилликни, падаркушликни асло кечириб бўлмайди. Айтмоқчимизки, инсон маънавиятига оиладаги, қишлоқдаги муҳит бевосита таъсир қилади.

Ҳар ҳолда бу фожеанинг содир бўлишига отанинг маънавий қашшоқлиги, жоҳиллиги сабаб бўлди. Судда ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

М.АБДУРАҲИМОВА,
Самарқанд вилояти ИИБ матбуот гуруҳи инспектори, лейтенант.
Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

ЁЗГИ ТАЪТИЛГА ШАЙМИЗ

Фарзандларимиз соғлом, баркамол ва бахтли инсонлар бўлиб вояга етишлари учун мустақил юртимизда барча шароитлар муҳайё қилинмоқда. Хусусан, жойларда янгидан-янги мактаб ва лицейлар, гимназия ва коллежлар барпо этилиб, улар жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозланаяпти. Соғлом, бақувват, жисмоний чиниққан фарзандларимиз ана шу қўркам бино ва замонавий ускуналарнинг муносиб эгалари бўлмоқдалар.

Иштиёқ ва завқу шавқ билан бошланган ўқув йили ҳам охирлаб бормоқда. Энди ўқув биноларини тарк этган болажонларни ёзги оромгоҳлар, соғломлаштириш масканлари кутмоқда. Ҳамма жойда бўлгани каби Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Пскент туман қўмитасида ҳам болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш масаласи ижобий ҳал этилмоқда.

Туманимиздаги 43 та мактабда 19 минг 757 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг 325 нафари касаба уюшмамиз томонидан оромгоҳларга жалб этилади. 150 нафар ўқувчини эса Бўстонлиқ туманидаги сўлим масканларда дам олдириш режалаштирилган.

Келажагимиз бунёдкорларини соғломлаштириш ва ёзги таътилларини мароқли ўтказиш учун барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Масалан, Пскент шаҳридаги 7-мактаб-лицей бинои ҳамма зарур шароитларга эга эканлиги ҳисобга олиниб, ҳар бир сменада 100 нафар болани соғломлаштиришни мўлжаллаяпмиз. Ётоқхона, ошхона, дам олиш, машғулотлар ўтказиш хоналари ҳамда спорт зал ва майдончаларига эга бўлган мазкур маскан болаларга унутилмас дақиқалар ҳадя этишига ишонамиз.

Юқорида кўрсатилган оромгоҳларнинг ҳар уч сменаси учун белгиланган маблағлар ажратилган, оромгоҳ бошлиқлари, тарбиячилар, тиббиёт ходимлари, хизматчилар ишга шай ҳолда туришибди. Йўлланмаларни тарқатишда эса кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун алоҳида имтиёзлар яратяпмиз.

Булардан ташқари мактаблар қошида кундузги оромгоҳлар ташкил этишга ҳам эътибор қаратмоқдамиз. Уларга уч сменада мингдан ортиқ болани жалб этиш кўзда тутилмоқда. Бу оромгоҳлар учун ҳам тарбиячи ҳамда бошқа ходимлар белгиланган. Болаларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари ва бошқа тадбирлар бўйича қизғин тайёргарликлар кўриб қўйилган. Уюштириладиган турли саёҳатлар, намойиш этиладиган қизиқарли кинофилмлар болаларни хушнуд этади, деб ўйлайман.

Айниқса, бу йил уюшган саёҳат турларини ташкил этишни режалаштирганмиз. Ҳар сменада 510 нафар бола Тошкент шаҳри ва мамлакатимизнинг бошқа диққатга сазовор жойларга саёҳатга борадилар. Буларнинг бари ёзги таътилнинг ҳар бир куни қизиқарли ва ёдда қоларли ўтишига хизмат қилади.

Меҳри КАРИМОВА,
Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Пскент туман қўмитаси раиси.





Республикамизда «оқсил» касаллигининг кириб келишига қарши кураш борасида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Самарқанд вилоятининг барча туманларида ҳамда ҳудудларида 934 нафар ветврач оқсилга қарши эмлаш ишларини фаол олиб боришаяпти.

Суратларда: лаборатория ходими Лидия Химилевская; ветврач Эргаш Раҳимқулов.
Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Когон шаҳрида 17-сон иқтидорли болалар мактаб-интернатининг янги биноси фойдаланишга топширилди. 320 ўқувчига мўлжалланган ушбу муҳташам бинони ва унинг таркибидаги 100 ўринли ётоқхона, спорт зали ва бошқа иншоотларни қуриш, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш учун 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Янги ўқув масканини «Бухороқурилиш» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари муддатидан ярим йил илгари қуриб битказди.

ТЎРТКЎЛ «АНТИҚА»СИ

Жаҳон бозорида қоракўл тери, айниқса сур терининг баҳоси ҳамиша баланд бўлган. Шу боис унинг янги-янги турларини яратишга алоҳида эътибор берилади.

Бундан 14 йил муқаддам Тўрткўл шаҳрида илмий марказ бўлинмаси худди шу мақсадни кўзлаб иш бошлаган эди. Айни кунларда марказ Беруний, Элликқалъа, Тўрткўл туманларидаги «Қизилқалъа», «Бухан-Мерей» ва «Қизилқум» қоракўлчилик ширкат хўжаликларида илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

Олимлар ва чўпонлар ҳамкорлигида «Кўрғошинқалъа», «Кўкча» яйловларида наслдор қўйларнинг махсус отарлари ташкил этилди. Чунки айнан шу ҳудудлар иқлим шароити, ўт-ўланлари сурнинг антиқа турини яратишга қулай эканлиги аниқланди. Кўп йиллик сермашаққат меҳнат, илмий изланишлар натижасида қоронғуда ҳам ўзидан ёрқин нур таратувчи, уч хил рангда жилоланиб турадиган қоракўл териси яратилди.

Саодат соҳибалари

МЕҲР НУРИ ЁҒАР ДОИМ

У билан суҳбатлашсангиз, беихтиёр қалбингизда илҳом жўш уради:

Меҳру муҳаббатда оташ мисоли,
Иффат, латофатда унинг жамоли.
Заҳмат чекмоқ унга айни роҳатдир,
Садоқатда тенгсиз - ўзбек аёли.

— Андижон педагогика олийгоҳида Ҳошимжон Раззоқов, Ғанижон Абдуллаев, Фатҳиддин Исҳоқов, Инобатхон Зияева каби меҳрибон ва талабчан устозлар қўлида таълим олганим — менинг бахтим эди, - хотирлайди Салимахон, - улар ўтадиган фанни чуқур ўзлаштиришимизга эришибгина қолмай, шу фанни бир умрга севиб қолишимиз учун ҳам интилар эдилар. Айни пайтда улардаги касбга фидойилик, ёниб яшаш, ёшларга меҳрибонлик фазилатлари ҳам қалбимизга чуқур сингиб борарди.

Ёшликдан анчайин тиришқоқ ва зеҳнли бўлиб ўсган Салимахон Мирзаева институтни имтиёзли тамомлади-ю, билимга чанқоқлиги қонмади. Устозлар унга аспирантурада ўқишни маслаҳат бердилар. Турмушга чиққан болали аёлга илмий иш билан шуғулланиш, ҳозиргача ҳеч ким қўл урмаган мавзу — «Ўзбек халқ афсун дуолари жанр хусусиятлари ва бадияти» юзасидан изланиш олиб бориш осон кечмади. Унинг бахти яна шунда эдики, қайнона-қайнотаси ҳам, турмуш ўртоғи ҳам илмнинг қадрига етадиган кишилар эдилар, Салимахоннинг орзу-истакларини яхши англардилар. Бу унга қанот бағишлади, номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаб олди.

Серғайрат ёш олимани Андижон Давлат университети педагогик жамоаси мамнунлик билан кутиб олди. Айниқса, адабиёт кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳанифахон Солиҳова, Абдулҳамид Нурмонов, Неъматжон Аҳмедовларнинг софдил ва меҳрибончилиги, улардаги касбга садоқат, ёшларга билим ва тарбия бера олиш санъати, ташкилотчилик қобилиятлари ёш педагог учун мактаб ўрнида хизмат қилди, шуларнинг қозонида қайнади. Унга адабиётшуносликка кириш дарсини олиб боришни топширдилар.

— Муаллимамиз Салима опа дарсларни шундай мароқли қилиб ўтадиларки, бутун вужудимиз билан берилиб кетамиз. Дарсда талабаларни эркин фикрлаш, ўз муносабатини баён этишга ундаб турадилар. Опанинг суҳбатдош эътиборини тортиб олиш қобилияти, лутф ила сўзлаши, маданияти бўлажак педагогларга чиндан ҳам намуна бўларди. Шунинг учун ҳам унга эргашамиз, ҳар соҳада андоза оламиз, - дейди 1-курс талабаси Шаҳнозахон.

Салимахон дарс ва дарсдан ташқари вақтларда талабаларга миллий ифтихоримиз — Алишер Навоий ҳақида кўп сўзлаб беради. Бу бежиз эмас: ноёб маънавий хазина, уни ўқиган сайин одам покланиб, мулоҳаза дунёси кенгайиб бораверади, эзгуликка, гўзалликка интилувчан бўлиб қолади. Муаллима талабаларга уй вазифаси берганида ҳам Навоий ижодиётидан ёзишни, «Ишонч» газетасида ёритилаётган буюк шоир шеърияти ҳақидаги таҳлилларни ўқиб боришни тавсия этади.

Университет хотин-қизлари унинг касаба уюшма ва бошқа жамоат ташкилотлари ишида фаол иштирок этаётганини кўриб, уни ўз қўмиталари раислигига сайлаб олганлар. Янги раисанинг ректордан тортиб то оддий талабагача ғоятда маъқул бўлган бир иши шу бўлдики, у ном бор-у ўзи йўқ даражага бориб қолган «Қизлар клуби»ни ҳунар ва тарбия масканига айлантирди. Қизлар бу ерда қадриятларимиз ҳақида, қонунларимиз, фуқаролик ҳуқуқи ва бурчи ҳақида суҳбат тинглайдилар, оилавий бахт юзасидан баҳс юритадилар, ўз истеъдодлари бўйича тўгарак машғулотларида қатнашадилар, чеварликни ўрганадилар. Бу ерда ўтказилаётган кўрик-танловларнинг довруғи баланд. Яқинда ўтказилган «Она билан бола — гул билан лола» кўрик-танловида ўқитувчилар ҳам иштиёқ билан иштирок этдилар.

Хотин-қизлар қўмитасининг иқтидорли ёшлар билан ишлаш соҳасидаги фаолияти айниқса диққатга сазовор: Зулфия номидаги мукофотга ёш муаллима Ҳилолахон Қўчқоровани ана шу қўмита тавсия этди ва чиндан ҳам у давлат мукофотига сазовор бўлди.

— Салимахоннинг жамоатчи, ташкилотчилигига тан бермай иложим йўқ, - дейди фан доктори, профессор Лолахон Саидбоева, — бу ишларнинг ҳаммаси ундан кўп вақт сарфлашни талаб қилади, албатта. Лекин шулардан ортиб, илмий иш билан жиддий шуғулланишга вақт топа олганига ҳайрон қоламан. У докторлик илмий ишини тугаллаб қўяёзди. Мен кўпинча аёлнинг залворли меҳнати ҳақида гап кетганда, Салимахон Раҳимжоновнани мисолга келтираман. Унинг оиласи ҳам ибрат бўларли.

Ҳа, Салимахон нафақат ишда, балки оилада ҳам ўз бурчларини яхши англайди. Унинг турмуш ўртоғи, Ойбек Алиев шундай дейди:

— Турмуш қурганимизга 21 йил бўлди. Унинг оилада соғлом муҳит яратишга интилиши, рўзғор бутлиги учун мендан ҳам ўтказиброқ ҳаракат қилиши, онам билан она-боладай бўлиб кетгани ҳақида ҳар қанча гапиришим мумкин. Лекин икки фазилатини алоҳида қадрлайман: иш билан банд бўлиб уйга кеч қайтаманми, ниҳоятда чарчаб ёки асабийлашиб келаманми, ҳамиша очиқ чеҳра билан кутиб олади. Иккинчидан, ишимиз тиғизлиги туфайли болалар тарбияси билан шуғулланишга очиқ гап, кўпинча вақт тополмайман. Салимахон буни яхши ҳис этади ва фарзандларга мен ҳақимда кўп сўзлаб беради. Уларга нима иш буюрса, даданг тайинлади янги кийим олса, пулини даданг берди, деб айтади. Аёлдаги бу фазилатларнинг оила бошлиғи учун қанчалик ҳаётий аҳамиятга эга эканлигини эркак зоти яхши билади.

Онанинг фарзандга нисбатан жонкуярлиги ўз мевасини бераяпти: ўғли Олимбек тиллар педагогика институтида, қизи Шаҳнозахон жаҳон тиллари институтида таълим олишмоқда. Иккови ҳам олийгоҳнинг жамоат ишларида фаол иштирок этадилар. Кенжа қизи Меҳриноз гимназиянинг 5-синф ўқувчиси, ажойиб истеъдод эгаси, «Келажак қалдирғочлари» республика кўрик-танловининг ғолиби. Яқинда унинг «Сиз тенги йўқ дунёда» деб номланган шеърлар тўплами нашрдан чиқди.

Фарзанднинг иқтидорини эрта пайқаб, уни тўғри йўналтирмоқ онадан зийракликни, маҳоратни, айниқса катта меҳр-муҳаббатни талаб қилади. Салимахонда ана шу қалб бор эканки, 12 яшар қизалоқ ҳозирдан шоира сифатида тенгдошларига танилиб бормоқда.

«Оқила, гўзал аёллар ўзларининг меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар», - деб уқтиради Юртбошимиз. Ҳа, Салимахон Мирзаевага ўхшаган аёллардан ана шундай меҳр нури таралиб туради.

М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ИСТИҚЛОЛИМИЗ - ИСТИҚБОЛИМИЗ»

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб «Истиқлолимиз - истиқболимиз» мавзуида барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси бўйлаб маънавий-маърифий йўналишдаги амалий семинарлар ўтказишни бошлади. Олимлар ва ижодкорлардан ташкил топган дастлабки тарғиботчилар гуруҳи Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари туман ва қишлоқларида бўлиб, меҳнаткашлар ҳузурида мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларида эришган ютуқлари, ислоҳотларнинг бориши, истиқлолимизнинг залворли одимлари ҳақида сўзлаб бермоқдалар. Очиқ мулоқот шаклида ўтказилаётган бундай учрашувларда аҳолининг ўзи ҳам фаол иштирок этиб, ислоҳотлар жараёни, омманинг онглилигини ошириш, ёш авлод тарбияси масалаларида фикр-мулоҳаза билдирмоқда.

Куни кеча республика Маънавият ва маърифат кенгаши тарғиботчиларининг иккинчи гуруҳи Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларига йўл олди. Гуруҳ аъзолари жойларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар», «Иқтисодий ислоҳотлар - фаровонлик пойдевори», «Ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлида», «Ўзбекистон - жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли фаол аъзоси», «Мустақиллик ва миллий маънавий дунёмиздаги туб ўзгаришлар» мавзуларида суҳбат ва мулоқотлар ўтказади.

(ЎзА).

Юртим жамоли



Ю. СОЛОДОВНИКОВ, олган сурат-лавха.

Қаҳрамонлар орамизда

ЭР ЙИГИТ ЭЛИНИ УЛУҒЛАЙДИ

Юртини юртга қайишганлар танитади. Элликларни қоралаб қолган хатирчилик Баҳром Ойдинов ана шундай инсонлардан. Одамлар орқаворотдан «Баҳромжон бир жойда туриб қолса товони қизийди», дея ҳазиллашади. «Бир карасанг Навоийда, бир карасанг Мирбозорда, Андижону Тошкентга қачон бориб келганини илғамай ҳам қоласан киши», дейишади елка қисиб улар.

- Оёғинг «тап-тап» этмаса, оғзинг «шап-шап» этмайди, деган мақолни эшитганмисиз, - дейди Баҳром ака жиддий. - Одам ёши улғайинқираб қолганидан кейин ростдан ҳам бир жойда ўтиролмайдиган бўлиб қоларкан. Катта ишни бошлаб қўйганмиз, ҳаракат ҳам шунга яраша.

Кичик тадбиркорликни иқтисодиётнинг мустаҳкам илдизларига менгзайдилар. Мамлакатимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгандан буён минг-минглаб кичик корхоналар, фермер хўжаликлари пайдо бўлди. Хатирчи тумани маркази - Янгиобод шаҳарчасида фаолият юритаётган «Ҳунарманд» кичик корхонаси ўшаларнинг бири.

- Ишни 1992 йили, туманда биринчилардан бўлиб бошлаганмиз. Жойларда тадбиркорлар амалга ошираётган ишларни кўриб, тўғриси, бизники денгиздан томчи эканлигига амин бўламан. - Кичик корхонамиз дастлаб маиший хизмат кўрсатишга ихтисослашган эди. Сартарошхона, заргарлик, музлаткичларни тузатиш устахонаси, кичик озиқ-овқат дўконлари очдик. Нўноқ мерган оқсоқ қуён излар, деган мақол бор (Бу Баҳром аканинг теша тегмаган иккинчи мақоли бўлди).

Ўзини осон пул топишга - савдога урган тадбиркорнинг омади тойганчоқ бўлади. Бизга савдо оёққа туриб олиш учун зарур эди. Ўша иш бошлаган йилимиз шаҳарчанинг янги қисмидан ер олиб, корхона биносини қурдик. Мақсад туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда пойафзал ишлаб чиқарадиган фабрика қуриш эди. Бинони ҳам шунга мослагандик. Иш ҳадеганда силжийвермагач, бинонинг бир бурчагидан нон маҳсулотлари тайёрлайдиган мўжазгина корхона очдик. Шаҳарчанинг бу қисмида 3 мингдан зиёд аҳоли яшайди. Кунига 600-700 дона нон ёпиб, 60 сўмдан сотамиз. Макарон ишлаб чиқарамиз...

Баҳром ака Ойдинов Фарғона маиший хизмат кўрсатиш техникумида ўқиган эмасми, тез-тез водийга, ёру биродарларникига бориб туради. Андижонга қилинган шундай сафарларнинг биридан у трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик фабрика қуриш иштиёқида қайтди. Албатта, бутун бошли фабрика қуришнинг ўзи бўлмайди. Анчагина маблағ керак. - Андижон шаҳридаги «Собиржон ҳожи» ишлаб чиқариш корхонасидан ускуналарни сотиб олдик. Минг бир қийинчилик билан уларни ўрнатдик. 10 нафар йигит-қизни Андижонга иш ўрганишга юбордим. Ускуналар эски эмасми, ҳали у ери, ҳали бу ери бузилиб қуйдирди. Фойдамиздан зиёнимиз кўпайиб, иш ўрганиб қайтган йигитлар бирин-кетин кетиб қола бошлади. Андижондан мутахассис таклиф қилишга мажбур бўлдим. Қобилжон исмли йигит оиласи билан кўчиб келиб, қаватимга кирди. Корхонада калавадан тайёр маҳсулотгача бўлган жараён бажарилади. Яқиндан трикотаж буюмлар чиқаришни бошладик. Ҳозирча бозорга яраша чиқаряпмиз.

Баҳром аканинг «Мана мунча даромад қиляпман деб мақтанолмайман, ҳозирча топганимни шу корхонага сарфлаяпман» деганича бор. Каттагина майдонда жойлашган икки қаватли бино ҳали тўла битмаган. Корхонада ишлаётган 25 аёл кунига 300-400 дона эркаклар, аёллар, болалар ички кийимларини тикмоқда.

- Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш мумкин. Бунга имкониятларимиз етарли. Аммо юқорида айтганимдек, ҳали бозорни тўла ўрганганимиз йўқ. Бу ҳам тажрибасизликдан бўлса керак. Лекин маҳсулотимиз сифати ёмон эмас. Нархи ҳам анча арзон. Тўғриси, бу соҳада катта муваффақият қозониш бир оз мушкул. Чунки мамлакатимизда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган гигант корхоналар бор. Устига-устак технологиямиз ҳам эскирган. Мақсадим - хорижнинг замонавий технологиясини келтириш. Шундан кейингина рақобатбардош маҳсулот ҳақида гапириш мумкин.

Баҳром аканинг режалари улкан. У яна бир пайтлар амалга ошмай қолган орзуси устида бош қотирмоқда. Туманга ёш, ғайратли йигит Э.Турдимов ҳоким бўлиб келди-ю, ўша орзулар қайта уйғонди. Хатирчида ишлаб чиқариш корхоналари жуда кам. Ёш ҳоким эса тадбиркорлик билан шуғулланаман, маҳсулот ишлаб чиқараман, деганлардан ёрдамини аямаяпти. Баҳром аканинг оёқ киймлари ишлаб чиқариш корхонасини очиш ҳақидаги таклифини ҳам бажонидил қабул қилди. Халилов номидаги жамоа хўжалиги идорасининг эски биносини Баҳром акага ажратиб берди. Ҳозир тадбиркор бу борадаги ишлар билан банд.

- Худо хоҳласа, келаси йил мустақиллик байрамигача гузар-мажмуасини қуриб битказамиз. Янгича яшайдиган замон келди. Эътибор қилган бўлсангиз, кўп йилдан буён қимирламай турган Маданият саройи қурилиши яна жонланди. Шаҳарчамизнинг бош майдони қайтадан ободонлаштирилмоқда. Ҳокимимиз тадбиркорлардан халққа нафи тегадиган иншоотлар қуришни талаб қилмоқда.

Баҳром ака амалга ошираётган ишлар билан танишар эканмиз, у киши эришаётган натижалардан эмас, унинг ҳаракатчанлигидан, яшашга, яратишга иштиёқидан қувондик. «Қанийди, ҳозир 25 яшарлик пайтимга қайтиб қолсам... Афсуски, у пайтлар бунақа имкониятлар йўқ эди», дейди Баҳром ака биз билан хайрлашар экан.

Воҳид ЛУҚМОН,
ЎзА мухбири- махсус «Ишонч» учун.

Истеъдод

ПАРВОЗГА ШАЙЛАНГАН БОЛА

Теран томирлари буюк аждодларимиз сув ичган энг тиниқ чашмалардан озиқланган халқимиз орасида ўткир зеҳн ва ажойиб қобилият эгалари кўплаб топилади.

Пойтахтнинг Сирғали туманида жойлашган Увайсий номли 104-мактабда ҳам кўплаб иқтидорли ўқувчилар таълим олишади. Саддамбек Умаров ана шундай истеъдод эгаларидан биридир.

— У ўткир зеҳни билан ўз тенгдошларидан кескин ажралиб туради, — дейди шу синфга таълим бераётган Ш.Сулаймонова.

— Саддамбек жуда кўп ўқийди. Дарслардан бўш пайтларида бадиий адабиётларни мутолаа қилади. У ўз ахлоқ-одоби, билимларни пухта ўзлаштириши билан ҳам бошқа ўқувчиларга ўрнак бўлмоқда.

Энг муҳими, Саддамбекнинг қизиқиш доираси кенг ва ранг-баранг. У бадиий ўқиш, шеър ёдлаш билан бирга техникага ҳам қизиқади. Ёш истеъдод соҳиби туманда ўтказилган бадиий ўқиш олимпиадасида 3-ўринни эгаллаб, устозлари ҳамда ота-онасининг ишончини оқлади.

Саддамбек эндигина биринчи синфни якунлаяпти...

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Пири бадавлатларимиз

МУТАЛЛИХОН ОТА ШУКРОНАСИ

Хаворанг «Жигули» аста секинлаб «Ғишт кўприк» ошхонаси ҳовлисида тўхтади. Унинг орқа эшиги очилиб аввалига безакдор жигарранг ҳасса кўринди. Сўрида ўтирган йигитлардан бири чопиб бориб отахонни қўлтиғидан олмоқчи бўлди. Отахон кўзини ҳазиломуз қисиб қўйди-да, узатилган қўлни итарди.

— Бор-бор, чойингни ич, нима мен ёрдамга муҳтож чолманми, ўзим тушавераман!

Бу табаррук оқсоқолни йигирма-йигирма беш йиллардан бери танийман. Кўпни кўрган, ҳаётнинг машаққатли сўқмоқларида бир асрлик алғовдалғов йилларни бошдан кечирган қария Наманганнинг жонли тарихи. Бир гаплари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

— Юз хилга яқин таом пиширишни биламан, - дегандилар ўшанда. — Лекин ўзбеклар овқатининг подшоҳи паловхон тўра бўлса, табаррукларни сумалак билан хоним. Ҳар ҳолда тушунган одамман, аммо Шўролар таомларгача чегара қўйганларига ҳеч тушунмасдим. Қаерда сумалак пиширишса, қозонларни ағдариб ташлаб, ўчоқларни бузиб, ташкилотчиларига дўқпўписа қилиб келишди. Минг бора шукрларким, Ўзбекистонимизда хурлик бўлди. Ошимизни бемалол ейдиган бўлдик.

Муталлихон отанинг куюнганича ҳам, суюнганича ҳам бор. У 40 йилдан зиёд бош ошпаз ва мудир бўлиб ишлаган, бошидан кўп савдоларни ўтказган. Бир сўз билан айтганда, нима деяётганини яхши билади.

Масаланинг яна бир жиҳати шундаки, Муталлихон отанинг қатор фарзандлари, набиралари Бобохоновларга хос пазандаликни эгаллашган ва уни муваффақият билан давом эттирмоқдалар. Улар орасида Ҳабибулло ва Аҳадхон олий маълумотли мутахассислар ҳисобланишади. Юртимизда озодлик, истиқлол эпкинлари эса бошлагач, фарзанд ва набиралар давр талабига «лаббай» дея жавоб қайтардилар. Вилоят марказининг Намангансой бўйидаги ташландиқ жойда ошхона қуришга киришдилар. Бугунги кунда «Ғишт кўприк» номини олган ушбу икки қаватли ошхона-чойхона Наманганнинг оромижон гўшаларидан бирига айланган. Бу ерда 20 дан ортиқ киши меҳнат ўрнини топиши қаторида мижозларга намунали хизматлари, ширин каломлари, лаззатли таомлари билан олқиш топмоқдалар. Бу ерда шаҳарнинг бошқа жойларига нисбатан таомлар баҳоси арзон, мазаси эса тотли эканлиги ҳам хўрандаларни мамнун этмоқда.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

— Қатор таниқли ёзувчилар ҳам мени яхши танишарди, - эслайди ота. — Наманганга келиб тўхтаганларида ҳатто тумандан чақиртириб келиб овқат тайёрлатишган. Сиз пиширган паловнинг гуручи юриб кетади, дейишарди улар. Ҳозирги ёшлар ҳақида гап кетиб Муталлихон ота яна шуларни дедилар:

— Инсоннинг тўғри, ҳалол бўлишида, ёлғон гапирмаслигида ҳикмат кўп. Ёлғон сўз, ҳаром таом умрни қисқартиради. Шу боисдан болаларимга ҳам, невара-эвараларимга ҳам шу ҳақда уқтираман. Фақат меҳнатдан қочмаслик керак.

— Невара-эваралар қанчага етди? - сўраймиз. У киши самимий жилмаядилар.

— Баҳор бошида 150 нафардан ортди, дейишганди. Кейин санамай қўйдик. Баракаларини, умрларини берсин - Илоҳо, юртимиз тинч, меҳрибон Юртбошимиз омон бўлсин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ДИДИ ВАФОТ ЭТДИ

Бразилия футболи оғир жудоликка учради. Ўтган якшанба куни машҳур футболчи Дидининг дафн маросими бўлиб ўтди.

Валдир Перейра, яъни Дидини ҳозирги футбол ишқибозлари яхши эслай олмаса-да, катта ёшдаги мухлислар жуда яхши билади.

Якшанба куни жаҳонга машҳур учта жамоа мотам боғичлари билан майдонга тушди. Бразилиянинг «Ботафого», «Флуминенсе» жамоалари ҳамда бундан 42 йил муқаддам машҳур футболчи тўп сурган Мадриднинг «Реал» жамоаси ўйинчилари 72 ёшида ҳаётдан кўз юмган Дидини сўнгги манзилга шундай кузатди.

Мазкур жамоалардан ташқари Перуда ҳам футболчи учун мотам тутилмоқда. 1970 йили Диди бош мураббийлиги остида Перу терма жамоаси жаҳон чемпионатининг чорак финалигача етиб борган эди.

СОРЕЛ УНВОН ОЛДИ

Грузия регби федерацияси ушбу спорт тури бўйича мамлакат терма жамоасининг франциялик бош мураббийи Клод Сорелни «Грузияда хизмат кўрсатган мураббий» унвони билан тақдирлади.

Машҳур мураббий бундай юксак унвонга Грузия терма жамоаси апрел ойида Европа кубогини қўлга киритгани ва мамлакатда спортнинг бу турини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун сазовор деб топилди.

ЖАҲОН ВЕЛОПОЙГАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

11 май куни Полшанинг Лодз шаҳрида 54-жаҳон велопойгаси старт олди. Спортнинг ушбу турига қизиқиши катта бўлган мухлисларга маълумки, Полша-Чехия-Германия веломарафони кейинги йилларда ҳаваскорлар мусобақаси доирасидан чиқиб, профессионаллар беллашадиган даражага кўтарилди. Бу йилги пойгаларда йигирма иккита жамоа вакиллари беллашмоқда.

Велопойгачилар 1610 километрлик масофани ўн босқичда босиб ўтиши зарур. Мусобақанинг ютуқ жамғармаси 180 минг немис маркасини ташкил этади. 1948 йилдан буён ўтказиб келинаётган пойга 19 май куни Германиянинг Постдам шаҳрида ниҳоясига етади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ (ЎзА)

ҚЎЛЛАРИНГИЗ БУНЧА ЕНГИЛ ДЎХТИРЖОН?

Автобус бекатида ўй-хаёллар оғушида ўтирар эканман, беихтиёр, юзларидан нур ёғилиб турган онахон ҳамда ўрта ёшли аёлнинг суҳбати диққатимни тортди:

— Неварам тиш оғриғидан азоб чекаётган эди. Дўхтирлардан ўзим айланай, ишонсангиз, бир пасда тишини олиб, даволашди. Неварам ҳатто нима бўлганини билмай қолди.

— Тўғри, сиз айтаётган поликлиника врачларини яхши биламан. Қўли енгил, бағоят тажрибали.

Дарҳақиқат, Қарши шаҳар болалар стоматология поликлиникаси шифокорлари тўғрисида воҳаликлар меҳри бўлакча. Кунига 180-200 беморга хизмат кўрсатаётган шифо масканида Германиядан келтирилган замонавий аппаратлар саломатлик посбонларининг заҳматли меҳнатини енгиллаштирмоқда.

— Биласизми, айрим кишилар саломатлигига кўпда эътибор бермайдилар, — дейди бўлим бошлиғи Бектош Хўжаниёзов. — Ваҳоланки, соғлом, мустаҳкам тишлар нафақат овқат ҳазм қилишни яхшилайди, равон нутқни таъминлайди, балки кишига алоҳида гўзаллик ҳам бахш этади. Шу боис фарзандларимизга болалигиданоқ тишларни ҳар доим тўғри парваришлаб боришни ўргатмоқ керак. Поликлиникамизда тарғибот-ташвиқот ишлари яхши йўлга қўйилган.

Дарвоқе, касалликни даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул. Бу ҳақиқатни ўзларига дастуриламал деб билган шифохона ходимлари шаҳар боғча-ясли ва мактабларда, хонадонларда бўлиб, жажжи ўғил-қизлар, ўқувчи ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Яқинда эса «Блендамед» фирмаси билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида «Жозибадор табассум» деб номланган мусобақалар зўр кўтаринкилик билан ўтказилди.

...Дунёда касблар кўп. Лекин улар ичида шифокорликнинг масъулияти бўлакча. Зеро, беморлар дардига малҳам бўлмоқ чиндан-да олий шарафдир.

Б. ШЕРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида бугунги кунда энг долзарб экологик муаммолардан бири -саҳроланиш жараёнининг олдини олиш борасидаги вазифаларга бағишланган «Ўрта Осиёда чўлланиш муаммолари» китоби нашр этилди.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, сўнгги йилларда чўлларнинг кўпайиш жараёни дунёнинг юздан ортиқ мамлакати тараққиётига ўз таъсирини ўтказмоқда. Рисолада аниқ ҳудудлар мисолида инсоннинг табиатга салбий таъсирини тадқиқ этиш муаммонинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этишига алоҳида эътибор қаратилган, китобда тадқиқотчиларнинг бу борада олиб борган кузатишлари ўз ифодасини топган.

Касаба уюшма спорти

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда юксалтириш энг асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу бежиз эмас, албатта. Зотан, спорт инсон ҳаётида бағоят юксак аҳамият касб этувчи, соғлом муҳит яратувчи восита ҳисобланади. Бунда, албатта оммавийликка эришиш муҳим ўрин тутади.

ОММАВИЙЛИККА ЭРИШИЛДИ

Туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти бу хайрли ишга муносиб улуш қўшиш ҳаракатида бўлмоқда. Бинобарин, жамият котибияти ҳар доим йил бошида махсус ишлаб чиқилган режа асосида иш олиб бориш кўникмасига эга эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Хусусан, турли хил соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар ўртасида мусобақалар ўтказиш анъана тусини олган. Масалан, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан шахмат бўйича катта турнир уюштирилиб, унда ўнлаб кучли шахмат усталари куч синашдилар. Қизиқарли, ғоят қизғин курашлар остида ўтган «ақл гимнастикаси» баҳсларида таълим ва фан ходимлари касаба уюшма жамоаси вакили Т.Турғунбоевга омад кулиб боқди. Волейбол бўйича туман биринчилиги финал беллашувлари ҳам қизғин ўтди. 16 та жамоа иштирокидаги муросасиз ўйинлардан сўнг таълим ва фан ходимлари касаба уюшма жамоаси биринчи, савдо ходимлари касаба уюшмаси вакиллари иккинчи, агросаноат ходимлари касаба уюшмаси волейболчилари учинчи ўринни эгалладилар.

Шунингдек, барча тармоқ касаба уюшма ходимлари иштирокидаги «Алпомиш ва Барчиной» тестлари бўйича енгил атлетика мусобақалари, стол тенниси турнири ҳамда турли байрамлар муносабати билан хўжалик, ташкилот ва корхоналар миқёсидаги қатор спорт тадбирлари барча-барчада яхши таассурот қолдирди.

Агар шу ва шу каби мусобақаларни таҳлил кўзгусидан ўтказадиган бўлсак, бу мусобақалар аввало, ишчи-меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштиришда тенгсиз аҳамият касб этаётир. Натижада хўжалик, корхона ва ташкилотларда иш унумдорлиги ортмоқда. Беллашувлар натижасида ёш авлод қалбида жисмоний тарбия ва спортга нисбатан қизиқиш, меҳр пайдо бўлмоқда. Улар ота-оналаридан ўрнак олиб, турли спорт секциялари, тўгаракларга қатнашишни ихтиёр этмоқдалар. Албатта, бу муваффақиятлар ўзимизники ва ҳеч шаксиз улар хусусида сўз юритиш кишига ёқимли ҳисларни ҳадя этади. Бироқ, туман касаба уюшма спорти тизимида бир қатор ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам борки, улар келгусида албатта ижобий ҳал этилмоғи шарт.

А.АБДИРОВ, Чиноз туман касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти котибияти раиси.

Биласизми?

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Банк деганда одатда кўз олдимизда ҳашаматли бинода пул билан ишғол этилган бир муассаса келади. Банк сўзининг аслида «стол» деган маънони англатишидан эса кўпчилик бехабар. Дарвоқе, бу сўз тарихи бизни ўрта асрларга етаклайди.

Дастлабки банклар XIV асрда Италиянинг Венеция шаҳрида пайдо бўлгани хусусида тарихий маълумотлар бор. Гап шундаки, ўрта асрларда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан тараққ давлатлар деярли ҳар бири ўзига хос пул тизимига эга эди. Пул тизимининг асосини эса танга ташкил қилиб, ҳар бир ҳукмрон ўз танғасини зарб этишга ҳуқуқли бўлган. Баъзан қалбаки тангалар муомалага чиқарилган. Бу вазият савдогарларни саросимага солиб қўйган.

Натижада бир давлат пулини иккинчи давлат пулига алмаштирадиган муассасани тузиш зарурияти туғилди. Тангани алмаштириш қадимги Венециядаги ҳашаматли саройларнинг тош столларида олиб борилган. Шу тариқа пул сотиб олувчи ва сотувчи муассасаларни «Банко» номи билан атай бошлашган.

Акбар АЛИЕВ.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти томонидан 1977 йилда Нурматов Абдиназар Садиновичга берилган Б-1 №883858 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Биллур кубок учун

МЕҲМОНЛАР МЕЗБОНЛИК ҚИЛИШДИ

Ўзбекистон футболи тарихида ҳали бунақаси бўлмаган эди. Шу маънода мамлакат биллур кубоги учун ўтган чорак финал баҳслари статистика билан қизиқувчи ишқибозларнинг ён дафтарларига бир умрга муҳрланадиган бўлди. Чунки ўтказилган тўртала учрашувда меҳмон жамоалар майдонда худди ўз уйларида бўлгани каби ҳар томонлама «меҳмоннавозлик» қилдиларким, натижада мезбонлар бу «лутф»га таъзим қилмай иложлари қолмади.

Фақат бир ўйин, яъни «Андижон» ва «Нефтчи» ўртасидаги беллашувнинг илк дақиқалари майдон эгаларининг шаштидан дарак бергандек тасаввур уйғотди. Лекин сал фурсат ўтмай ҳаммаси жойига тушди — миллий чемпионатимиз пешқадами намойиш этган тезкор ва комбинацион саъй-ҳаракатлар шак-шубҳасиз кутилган натижага олиб боришини яна бир карра исботлади. «Нефтчи» мезбонларнинг бир тўпига уч тўп билан жавоб қайтариб, биллур кубок учун бўладиган ярим финалга йўлланмани накд қилиб қўйди.

Худди шундай ҳисоб Жиззаҳда ҳам қайд этилди. Усмон Тошев шогирдлари маҳаллий «Сўғдиёна» жамоасига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва тобора шаклланиб бораётган «Бухоро» кубок баҳсларини давом эттирадиган бўлди. Шундай бахт «Пахтакор»га ҳам насиб этди. Зарафшонлик футбол мухлислари жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари муносабати билан салкам бир ойдан бери майдонда кўринмай қолган атоқли жамоанинг хатти-ҳаракатларидан қониқиш ҳосил қилган бўлсалар керак, албатта. Севимли командасининг мағлубияти ҳар қанча аламли бўлмасин, чиройли ўйин барибир ҳақиқий ишқибозларнинг стихияси эканлиги азалдан маълум.

Мамлакат терма жамоасининг тезкор ҳужумчиси Сейткамолов томонидан саккизинчи дақиқадаёқ амалга оширилган зарба ўйин мазмунини белгилаб берди, десак муболаға эмас. «Пахтакор» шу куни «Қизилқум» дарвозасини тўрт марта ишғол қилиб, ўз дарвозасидан бир тўп олиб чиқди, холос.

Пешқадамликка асосий даъвогарлардан яна бири — «Насаф» жамоасининг «Дўстлик» устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозониши эса, очиғи, бу ютуқ меҳмонда қўлга киритилган бўлса-да, кўпчилик футбол мутахассислари мухлисларини унчалик ажаблантирмади. Қаршиликларнинг зафар қучиши олдиндан маълумдек кутиб олинди. Бир неча етакчи ўйинчиларини бошқа жамоаларга кузатган мамлакат чемпионлари карвонбошиликдан бутунлай воз кечганликлари мазкур кубок баҳсида ҳам ўзини намойиш этди. Биринчи тўп муаллифи «Дўстлик»нинг собиқ сардори Нўъмон Ҳасанов бўлганлигида ҳам маъжозий маъно бордек туюлади.

Шундай қилиб, мамлакат кубоги учун бўладига баҳслар қизғин паллага кирди. Кўрамиз, кимга омад кулиб боқаркан — «Нефтчи»гами ёки «Насаф»га, «Бухоро»гами ёки «Пахтакор»га?

Кеча футбол федерациясида ярим финал ўйинларида майдонга чиқадиган жуфтликлар аниқланди.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6